



МЕҲНАТ БОЗОРИ ШАРҲИ

IV чорак 2024 й.


Меҳнат бозори таҳлили (2024 йил IV чорак)

2024 йилда меҳнат бозори иқтисодийнинг турли тармоқларида банд бўлганлар сонининг ўсиши фонида юқори фаолликни намоён этди.

Марказий банк кузатувларига кўра, 2024 йилнинг IV чорагида 41 мингга яқин бўш иш ўринлари эълон қилиниб, бу мавсумий омиллар ҳисобига III чорақдаги кўрсаткичдан (54 минг) пастроқ бўлди (1-расм). Ушбу тенденциялар муқобил кўрсаткичларда ҳам кузатилди¹.


Бўш иш ўринларининг (вакансиялар) асосий қисми чакана савдо (умумий вакансияларнинг 21 фоизи), ишлаб чиқариш (16,1 фоиз) ва умумий овқатланиш (15,7 фоиз) соҳаларига тўғри келган. Бунда III чораққа нисбатан қурилиш соҳасидаги вакансиялар 45 фоизга, умумий овқатланиш 30 фоизга ва таълим сектори 26 фоизга қисқарди.

1-расм. Соҳалар кесимида бўш иш ўринлари сони, минг дона



Манба: МБ ҳисоб-китоблари.

2-расм. Корхоналарда иш ўринларининг ўзгариши², индекс, SA ЗММА



Манба: Марказий банк.

Бўш иш ўринлари сонининг қисқариши мавсумий омиллардан ташқари вакансиялар нисбатан тезроқ тўлдирилиб борилаётгани билан боғлиқ бўлиши мумкин. Марказий банкнинг иқтисодий фаоллик бўйича ўтказилган сўровларида 2024 йилнинг иккинчи ярмида саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларида яратилган иш ўринлари сони ўсишининг тезлашиши қайд этилган (2-расм).

¹ www.hh.uz веб-сайти «Рынок труда в Узбекистане: итоги 2024 года» маълумотлари асосида.


² 50 дан баланд кўрсаткич ўсишни, 50 дан паст – камайишни англатади.

Шунингдек, меҳнат аризалари (*резюмелар*) сони ўсишда давом этиб, номзодликка, асосан, ўрта малакага эга ишчилар (*савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари*) томонидан тақдим этилмоқда.


Сўнги эълон қилинган маълумотларга кўра³, **ишсизлик даражаси** 2023 йилдаги 6,8 фоизлик даражадан 2024 йилнинг III чораги якуни бўйича **5,7 фоизгача** пасайган. Иқтисодий фаол аҳоли сони ушбу даврда 2023 йилнинг III чорагига нисбатан бироз ошиб **15,1 млн. кишини** ташкил этди. Ишсизликнинг камайиши иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг 14,0 млн.дан 14,2 млн.гача кўпайиши (+2,0 *фоиз*) фонида кузатилди.

Бандлар сонининг ошиши, асосан, бозорда янги турдаги соҳа ва хизматларда фаолият олиб борувчилар ҳисобига юзага келмоқда. Анъанавий ҳисобланадиган тармоқларда, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва саноатда бандлар сонининг қисқариши кузатилмоқда (3-расм).

3-расм. Бандлик ўзгариши декомпозицияси, *фоизда*



4-расм. Ўзини-ўзи банд қилганлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сони, *минг дона*



Манба: Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг дастлабки маълумотлари асосида.

Манба: Солиқ қўмитаси.

2024 йилда яқка тартибдаги тадбиркорлар сони 18 фоизга ўсиб, йил якунида 284 минг кишини ташкил этди. Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг аксарияти чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолиятини давом эттирмоқда.


³ Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида, <https://nsdp.stat.uz/LaborMarket>.

Иқтисодиётда ўзини-ўзи банд қилганлар сони ҳам ортишда давом этиб, 2024 йил якунида 4,5 млн. кишига етди ва 2023 йилга нисбатан 1,8 баробарга юқори бўлди. Ўзини-ўзи банд қилганларнинг асосий қисми маиший хизмат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритмоқда.


Иш ҳақи динамикаси

2024 йил якунига кўра, ўртача ҳисобланган номинал иш ҳақи **5,4 млн. сўмга** етиб, 2023 йилга нисбатан 17,4 фоизга ошган бўлса, ушбу даврда иш ҳақи реал ҳисобда **7,1 фоизга ўсган**.

5-расм. Иқтисодиётда иш ҳақи ўсиш суръатлари, йиллик, фоизда



6-расм. Айрим тармоқларда иш ҳақи ўсиш суръати, йиллик, фоизда



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида МБ ҳисоб-китоблари.

IV чорақда давлат секторида амалга оширилган индексация фонида иш ҳақи ўсишининг тезлашиши кузатилди (5-расм) ва бу ижтимоий соҳалардаги (таълим ва соғлиқни сақлаш) иш ҳақи динамикасига бевосита таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, ушбу соҳалардаги иш ҳақи ўсиши нисбатан нотекис бўлиб қолмоқда.

2024 йилда иқтисодиётдаги қурилиш ишларининг юқори ўсиш суръатлари (реал ўсиш – 8,8 фоиз) сақлаб қолиниши ушбу соҳада меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг ошишига таъсир кўрсатиб, 2024 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб соҳада иш ҳақи ўсишининг асосий омилларидан бўлди.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида олдинги даврларда (2022-2023 йиллар) кузатилган иш ҳақининг юқори ўсиш импульси 2024 йилда босқичма-босқич камайиб борди (6-расм). Жумладан, ташиш ва сақлаш, турар-жой хизматлари ва умумий овқатланиш соҳаларида ўсиш суръатлари мақбуллашди.

Бундан ташқари, 2024 йилда банк ва молия (шу жумладан, суғурта ва лизинг бозори) ҳамда ахборот-коммуникация соҳаларида иш ҳақи ўсиши бироз секинлашди. Пандемиядан кейинги даврда иқтисодиётда рақамлаштириш жараёнлари жадал суръатларда амалга оширилиши мазкур соҳалар мутахассисларига талабни ошириб, ушбу секторлар иш ҳақи миқдорида жадал ўсиш кузатилган эди. 2024 йилда ушбу тармоқларда меҳнат бозори мувозанатлашиши натижасида иш ҳақининг ўсиши секинлашди.

Юқори истеъмол талаби сақланиб қолаётган шароитда чакана савдода иш ҳақининг ўсиши нисбатан юқорилигича қолмоқда.

Шу билан бирга, бошқа тармоқларни, жумладан, савдони рақамлаштириш жараёнлари келгуси даврларда ахборот-коммуникация, чакана савдо соҳаларида иш ҳақи ўсишини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлиши кутилмоқда (1-илова. Иқтисодий тармоқлар бўйича иш ҳақлари динамикаси).

Меҳнат мигрантлари оқимининг динамикаси

2024 йилда аҳолининг ташқи мобиллиги (ҳаракати) сезиларли даражада ошди. Бу ўсишни, бир томондан, хорижга чиққан фуқаролар умумий сони 6,2 млн. кишини (асосан қариндошларни йўқлаш, туристик ва бошқа мақсадлар учун) ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 29 фоизга ошганида, бошқа томондан пул ўтказмалари оқими динамикасида кузатилган юқори ўсиш кўрсаткичларида (2023 йилга нисбатан 30 фоизга ошиб, 14,9 млрд. долларга етган) кўриш мумкин. (Трансчегаравий пул ўтказмалари бўйича батафсил Жисмоний шахсларнинг валюта операциялари бўйича қисқача шарҳ⁴).

Сўнгги йилларда миграциянинг сезиларли ўсиши Европа Иттифоқи мамлакатларида (7-расм), жумладан, Польша (ЕИга берилган визаларнинг 21 фоизи), Литва (17 фоиз), Германия (16 фоиз) ва Латвияда (7 фоиз) кузатилди.

⁴ https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/2105646/.


Буюк Британия томонидан меҳнат муҳожирларига бўлган мавсумий талаб ҳам сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон фуқароларига берилаётган мавсумий визалар барча мавсумий берилган визаларнинг қарийб 13 фоизини ташкил этган (*Буюк Британия томонидан Ўзбекистон фуқароларига 2021 йилда 556 та, 2022 йилда 4228 та, 2023 йилда эса 4094 та виза берилган⁵*).

7-расм. Ўзбекистон фуқаролари учун Европа Иттифоқидаги амалдаги рухсатномалар, минг дона



Манба: Евростат.


8-расм. Корея Республикасида Ўзбекистон резидентлари сони, минг киши, фоизда



Манба: Корея иммиграция хизмати.

Корея Республикасига умумий миграцион оқим ошиб бормоқда (8-расм). Ушбу давлатга таълим билан биргаликда ишга жойлашиш мақсадида миграция оқими ортган.

9-расм. Ўзбекистон фуқаролари учун Туркияда яшаш рухсатномалари ва доимий бўлмаган миграция, минг дона, минг киши



Манба: Туркия миграция бошқармаси.

⁵ <https://www.gov.uk/government/publications/seasonal-workers-pilot-review/seasonal-workers-survey-results-2023>.


2024 йилда макроиқтисодий вазиятнинг босқичма-босқич барқарорлашуви фонида Туркияга миграция оқими кўпайди. Буни Ўзбекистон фуқароларига берилган рухсатномалар (*Residence Permit - яшаш учун рухсатномалар*) ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, 2024 йилда иқтисодий ноаниқликларнинг нисбатан камайиши фонида доимий бўлмаган миграция даражаси аста-секин пасайиб бориб, бу мигрантларнинг узоқроқ муддатга ишга жойлашишга тайёрлигини кўрсатмоқда (*9-расм*).


Умуман олганда, меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари Қозоғистон ва Россия бўлиб қолмоқда. Пул ўтказмаларининг жорий динамикасини, шунингдек, бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар (*валюта курси, иш ҳақи*) бўйича сўнги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ушбу мамлакатларга меҳнат муҳожирлари оқими нисбатан барқарор даражада сақланиб қолмоқда.

Иқтисодий тармоқлар бўйича иш ҳақининг ўсиши, йиллик, фоизда


1. Ишлаб чиқариш




2. Қурилиш




3. Савдо




4. Ташиш ва сақлаш




5. Ахборот ва алоқа




6. Банк, суғурта, лизинг




7. Таълим




8. Соғлиқни сақлаш



9. Яшаш ва овқатланиш



10. Санъат, кўнгилочар ва дам олиш



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2025 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: sinogamov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22